
Ўзбекистон тумани ҳокими Шерзоджон Юлдашевнинг муборак
Рамазон ҳайити табриги
Қадрли юртдошлар!

Барчангизни меҳр-оқибат, хайру саховат ва бағрикенглик айёми - Рамазон ҳайити билан муборакбод этаман!

Бугунги қутлуғ айёмда аввало шундай файзли ва барокатли кунларга етказгани учун барчамиз Яратганга чексиз шукроналар айтамыз.

Яхшилик, сабр қаноат ва ҳамжиҳатлик каби эзгу фазилатларни ўзида мужассам этган бу байрамнинг маъно - мазмуни ҳамда халқимиз ҳаётида тутган ўрни беқиёсдир.

Ватандошларимиз орасидаги ана шу аҳиллик, меҳр-оқибат ва бағрикенглик туйғулари янада мустаҳкамланаверсин! Ҳар биримизнинг хонадонимиздан тинчлик ва хотиржамлик, файз, қут-барақа аримасин, дуога қўл очган нуронийларимизнинг эзгу ниятлари ижобат бўлсин.

Эзгу ишларимизда Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин.

Шерзоджон Юлдашев,

Ўзбекистон тумани ҳокими

2024-04-09 23:12:37